



«Қармоқ» тадбири

Ниҳоят, халқимизнинг асрий хоҳиш-иродаси амалга ошириб, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Тўғри, бу ёруғ йўлнинг афзалликларини ҳозирча тўла маънода ҳис қилмаётимиз, иқтисодий тақчиллик деган нарсани аввалги тузумнинг сўнгги кўриниши сифатида оптимиздан эргашиб келаяпти, ундан қутула олмаётимиз. Аммо юртдошларим билишадики, бу вақтинча, ҳадемай қўйли кунлар бизга насиб этажак. Ана шунга ҳар бир софдил ўзбекистонликда қатъий ишонч бор. Шу боис улар бутун куч ва имкониятларини бугунги аҳволдан тезроқ чиқиш учун курашга йўналтирганлар.

Айни пайтда айрича фикрдаги, фақат ўз шахсий манфаатини бир-икки кунлик маишатни ўйлайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Улар шу пайтгача ҳаёт кечиринларини учун энг қўлай усул бўлган текинхўрликдан, қаллобликдан, фирибгарликдан воз кеча олмаётганлар.

Республикаимиз ИИБ раҳбарияти май байрамлари арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида дайдиликни қасб қилиб олган шахслар тўпланадиган жойларни аниқлаб, бундай кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш юзасидан махсус тадбир ўтказишга қарор қилди. Қўзланганидан ҳам салмоқлироқ натижаларга муваффақ бўлинди. Юқорида айтилган кичик муддат ичида тўрт ярим мингдан зиёд шахси номаълум кишилар қўлга туширилди. Ва уларни чуқур ўрганиш жараёнида мингга яқини иш ва тўғри-жойга эга бўлмаган, кун ўтса бўлди қабилида ҳаёт кечирингизга одатланган дайдилар, 120 дан ортиғи ўқотар ва совуқ кўроллари ноқонуний сақлаганлар, 150 дан зиёди муайян жиноятга қўл урганлиги учун қидирувда юрганлар, 160 нафари гиёҳвандлар ёки шундай оғуни сақлаганлар эканлиги маълум бўлди.

Яна қўлга киритилган катта муваффақият — аниқланганлар фаолиятини атрофда таҳлил қилиш асосида уч юзта жиноят очилди. Уларнинг баъзилари қотилликлар ҳамда 40 таси давлат ва фуқаролар мулкига номардларча тажовуз эканлиги фош этилди.

Тадбирдан мақсад фақат жамоат тартиби сақланишига ижобий туртки бериш эмас, балки келажакда порлоқ Ўзбекистонимизнинг турли минтақаларида оператив ҳолатни яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги майдонларида мавсумий ишлар билан шуғулланаётган меҳнаткашлар орасида яшириниб, паноҳ топан жиноятчиларни ҳибсга олиш эди. Бу мақсад ҳам амалга ошди дейиш мумкин.

Сир эмас, ана шундай тадбирлар самарадорлигини ошириш вилоятлардаги ИИБлар ходимларининг амалий ва ташкилий жиҳатдан ишбилармонликларига боғлиқ. Аммо Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ҳокимиятлари ички ишлар бошқармаларида лоқайдлик юз берди. Ҳаммаси бўлиб ўн кунлик тадбирнинг уч кунини унутиб қўйилди. Ана шу ИИБлар жамоат тартибини сақлаш бўлимлари томонидан эса ишчанликни сезмадик.


Умуман олганда ИИБ раҳбарияти республика миқёсидаги бу ҳаракатларни муносиб баҳолади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ички ишлар бошқармалари ходимлари ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ташаббус, ишбилармонлик кўрсатишгани алоҳида таъкидланди. Худди шунингдек, Самарқанд ва Хоразм вилоятидаги ҳамкасбларимиз ҳам олқишмишга сазовор бўлишди.

Қ. ТОШМУҲАМЕДОВ,
ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.

БУГУНГИ СОНДА:


2-БЕТ
...Унда 400 килограмм келадиган лаққа яшайди.
3-БЕТ
...«Қўшмачи» деб аталмиш даллол уч йилга қамалди.
4-БЕТ
Миллионлар асли кимники?
5-БЕТ
...7 ой давомида салкам ярим миллиард сўмлик мол

чегарада тўхтатиб қолинди...
6-БЕТ
...— Йўқ, димиқиб ўлиб қолади,— деди кимдир...
7-БЕТ
...Отамнинг қўл-оёғи ишламай қолиб, охир оқибатда вафот этдилар. Мен интернатда ўқиб-ўқимай армияга кетдим...
8-БЕТ
...Камбағалмиз, икки ўғлимизни ҳам улғайтириб тупроққа қўйдик...



Ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашгани сари иқтисодий жиноятчилик ҳам авж олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ИЖК ходимларининг зиммасига оғир вазифаларни юклайди.

Суратда: Наманган вилояти Совет тумани ИИБ ИЖК бўлимида оператив вакили, милиция катта лейтенанти Расулжон Исоқов қўлга олинган ашёларни рўйхатдан ўтказмоқда; дўкон кўрмаган моллар.



ФАРМОН АМАЛДА

Республикаимиз Президентининг «Жаҳон миллатлар ҳам-жамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида» чиқарган Фармонига ҳам бир ойдан ошиб қолди. Биз мазкур Фармоннинг ижроси қай йўсинда амалга оширилаётганини билиш учун ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Э. Икромовга мурожаат қилдик:

— Авф этиш бўйича ҳайъат иш бошлаганими?

— Мазкур Фармонни амалда қўллаш тартиби адлия вазирлиги, ИИБ, олий суд ва прокуратура томонидан ишлаб чиқилган Низомда баён

этилган. Ушбу Низом Фармонда белгиланганидек уч кун муддатда ишлаб чиқилди. У барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун ягона қўлланма бўлиб, авф этишни амалга ошириш жараёнида аўжудга келадиган барча масалаларни тўғри ва қонуний равишда ҳал этиш мезонидир. Бугунги кунда Низом Президент тасдиғидан ўтди ва амалий ишга киришилди. Жойларда ҳужжатлар, тасдиқномаларни кўриб чиқиш учун доимий ҳаракатдаги ҳайъатлар тузилиб, уларга барча зарурий имкониятлар яратилган.

Ўз муҳбиримиз.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, ХУШВАҚТ КЕТИНГ-ДА...

Ўзбекистон ИИБ қошидаги товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи Давлат инспекциясининг милиция подполковниги Мутал Сафоев бошлиқ Тошкент бўлимидаги тадбир асосида пойтахтнинг Шимолий темирйўл шоҳбекатида хизматларини давом эттирдилар.

Тошкент-Новосибирск йўналиши бўйлаб қатновчи поездга яхшигина жойлашиб олган Санкт-Петербурглик Борис Бекманбетовнинг ҳаловати бўзилди. Унинг сафархалтасидан 7 минг 200 сўмлик «Авита» креми чиқди.

«Здешний» Вячеслав Пак «Нафосат» ширкатида бичиқчи бўлиб ишлайди. У Уст-Каме-ногорскка 79 дона эркалар кўйлаги билан кетаётган экан. Ҳар ҳолда кир бўлиб қолган кўйлагини алмаштириб кийиш учун эмас, албатта.

Яна бир «местный кадр» — Олег Моторин ўзи ишлайдиган ширкатда тикилган 176 минг сўмлик эркалар кийим-кечагини Екатеринбургга етказиб бора олмади.

Жамбуллик Норилқосим Маханов Тошкентга ўзининг «ГАЗ-24»да келибди. «Отчопар»дан 10 дона мотоцикл шинасини келишилган нархда сотиб олиб, 13 май кунини юртига қараб йўл олди. Тошкент вилояти ДНнинг Фишткўприкдаги 26-постига турган милиция капитани А. Абдураимов эса унинг шиналарини қонуний равишда олиб қолди. 200 сўмлик жарима ҳам эсдан чиқмади.

Қўшни Қозоғистон Жумҳуриятига йўл олган Жўраева қўйини-қўннини 16 минг 356 сўмлик тиш пастасини шампулар билан тўлдирган экан. Фишткўприкнинг яна шу 26-пости ходимлари хонимини ортқича юклардан ҳалос қилдилар.

М. ҲАКИМОВ.

(Ўзбекистон ИИБ қошидаги товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи Давлат инспекциясининг фаолиятига бағишланган мақолалар билан рўзноманинг 4-5-бетларида танишасиз).

Кураш давом этади

Гиёҳвандлик — XX аср вабоси. Бу машъум сўз залвори остида неча минг-минг тақдирлар тарикдай эзилиб ётгани, фожиялар, кўргуликлар таҳдид солиб тургани бугунги кунда ҳеч сир эмас. Гиёҳвандлик — табиат ва жамиятнинг, маънавият ва қадриятнинг таназзулидир. Шу боис бутун жаҳон халқлари унга қарши кураш учун оёққа қалққан.

Биз узоқ йиллар қуруқ шиорбозлик, дабдабозлик билан кун кечириб келдик. «Бахтиёр совет халқининг соғлом турмуш тарзи» тўғрисида тинимсиз ногоралар қосдик. «Гиёҳвандлик бизнинг жамиятга ёт», дея алоҳидан солидик. Аслида эса... атом асри ўлати бизда ҳам етарлича тарқатган экан. Айниқса кейинги тўрт-беш йил ичида, иқтисодий ва сиёсий танглик даврида бу фожия мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди. Лекин соғлом руҳиятли, хур фикрли кишилар бу

ҳолга бепарқ қараб туришгани йўқ, албатта. Гиёҳвандликка қарши бешафқат кураш олиб боришмоқда. Бироқ кураш ёғат сермашаққат ва сертахликадир. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, гиёҳвандликка ўт очишда оғир масъулият энг аввало ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари елкасига юкланган. Албатта, бу шарафдан милиционерларимиз фахрланишга ҳақлидирлар. Чунки уларнинг бурчига садоқати, ҳушёрлиги боис машъум қора дори билан боғлиқ не-не жиноятлар барҳам топмоқда. Жумладан, Деҳқонобод тумани ички ишлар бўлимига қарашли Давлат автомобиль назорияти бўлими маси, ходимлари томонидан шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ юздан зиёд «оқ кейф» ошиқлари қўлга олинди.

Бевосита фактларга мурожаат этар бўлсак, шу йилнинг 22 январида Душанбе шаҳри томон йўл олган, Валижон Турсунов бошқариб бораётган енгил автоулов салонидан 1395 грамм наша топилди. 14 январга ўтар кечаси Термиз шаҳридан сафарга чиққан «Москвич-412» автоулови бедор ДАН ходимларига шубҳали туюлди. Милиционерлар адашишмаган экан. Ҳайдовчи Раҳим Шарипов ёнидан нақ 870 грамм кўкнори ва 925 грамм наша топилди.

Мафтовга лойиқ мисолларни қўллаб келтириш мумкин, албатта. Аммо бу билан Деҳқонобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари фақатгина йўл бўйларида гиёҳвандлик билан курашмаяпти экан-да, деган хулосага келиш ярамайди.

Маълумки, Деҳқонобод жумҳуриятимиздаги энг овлқ ва энг узоқ тоғ туманларидан бири. Бу ерда ажал экинни экиб, «бизнес» билан шуғулланувчилар жуда кўп бўлиб учрайди. Лекин туман ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари ҳамиша зийрак ва тадбиркор. Яқинда гиёҳвандликка қарши курашнинг хийла пухта ва самарадор режаси ишлаб чиқилди. ИИБ ходимлари ушбу режа асосида жорий йилги «йигим-терим» мавсумида «қора ажал соҳибкорларига кескин зарба беришади. Зеро, атом асри ўлатининг олдини олиш айни пайтда ҳар бир уйғоқ қалб, виждонли кишиларнинг муқаддас бурчидир.

Убайдулла ХОЛМУРОДОВ,
Деҳқонобод тумани ИИБ
бошлиғи, милиция майори.

Уч ой ва бутун умр

Сирли Сингапур, узоқдаги Калифорния, чет эллардаги тоғ ва дарёлар ҳақида ҳаёл сурувчи, ўзимиздагилар тўғрисида эса киноя билан қўл силтовчи ёшлар — болаларимиз ёдимга тушадди. Капиталистик деб аталмиш мамлакатларнинг қудратли рекламаси ўз ишини қилди: ўғил ва қизларимиз Ўзбекистонда гўзалликда нафақат улардан қолишмайдиган, балки ўн чандон ортиқроқ гўшалар борлигига ишонмайди ҳам. Республикамиз табиати кўкаламзорлару чаманзорларга, серсув дарёлару баланд тоғларга, шаҳарларимиз эса қадимий ва замонавий меъморчилик

ЧИРЧИҚ ТУТАГАН ЖОЙДА

Чирчиқ Сирдарёга қуйиладиган ер. У кенг дарё ўзани билан киши нигоҳини ўзига тортади. Кўтарилган шамол дарёни мавжлантиради. Қарши қирғоқча неча метр келар экан-а!

Табиатини муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Сирдарё ҳавзаси назоратининг жамоатчи ёрдамчиси Борис Леппо қўлини чўзиб, бош бармоғига қаради.

— 250 атрофида.

— Қандай аниқладинг! Бармоғинг айтиб бер-ди-ми!

— Ҳа. Бу масофани белгилайдиган қадимий ва ишончли усул. Катта бармоқ милтиқдан нишонга олинаётгандай турғун бир нуқтага қадалиб, аввал бир кўз билан, сўнгра иккинчи кўз билан қаралади. Нуқта ўрнидан кўзгалади. Менда мана бунча ўзгарди, — Борис бош ва кўрсаткич бармоқларини очиб кўрсатди. — Ҳар кимнинг чамаси ўзига хос. Менинг мўлжалимда бир сантиметрга 40 метр тўғри келади.

Қизилқум саҳросига етмасдан сал берида дарё ўзани 250 метрга тенг. Урта Осиёнинг азим дарёси Орол денгизига қуйилиш учун шу саҳро бўйлаб ўтади. Икки дарё бирлашадиган сўлим қирғоқда Сирдарё ҳавзаси назоратининг чоғроқ биноси жойлашган. Бу ерга бизни бош мутахассис, истеъфодаги ички хизмат майори Олег Владимирович Ли бошлаб келди. Дарё қаъри балиққа мўл. Ўғри-овчилар ана шу бойлиқни шафқатсизларча таламоқдалар.

— Ҳозир уч ой давом этадиган кўриқлаш тадбирлари бормоқда. Чунки, ҳар йили шу вақтда балиқлар уруғ сочишади, — деб ҳикоя қила бошлади бизни кутиб олган биринчи даражали давлат назоратчиси Рафиқ Ёқубов. — Уч ойдики, шу ерда яшайман. Уйга фақат ювиниб-тараниб, кийим алмаштириш учунгина бора-ман. Тўғриси айтсам, Тошкентни жуда соғин-дим.

Давлат назоратининг етакчи мутахассиси Александр Ширяев, иккинчи даражали назоратчилар Рифқат Мухамедзянов, Владимир Бекчонов, Владимир Турсин балиқлар уруғ сочаётган пайтда ўз бошлиқлари билан бирга туну кун шу ерда яшади. Улар бутун республика бўйлаб назорат қилиш ҳуқуқига эга. Ишлари кўп.

— Милиция бизга катта ёрдам бермоқда, — деб гапира давом этди Ёқубов. — Чиноз тумани ИИБ бизга иккита ходим ажратган. Бу ерга келганимизда милиция кичик сержанти Пўлат Эшмоновнинг бир ўзини учратдик. Милиция лейтенанти Турғунбой Абдуғаниев хизмат вази-фаси билан бир жойга кетган бўлиб, Пўлатнинг ўзи ҳам рейдга отланаётган экан. Чинозга кет-таверилишдаги йўл бўйлаб, шундоққина асфальт ёқасида ўғрилланган балиқларни сотишади. Йи-рик-йирик балиқлар йўловчи машиналар юкхо-насиға, тушган пуллар «сотувчи»лар чўнтақлари-га жойланади.

Бу одамлар билан яккама-якка дуч келмаган маъқул — ҳар бирининг ортида беш-олти нафар балон-азим бор. Тошбўрон қилишлари ҳам, хан-жар ўқталишлари ҳам, баъзида милтиқ ишлатиш-лари ҳам мумкин. Бир кун дарёда назоратчига ҳужум қилиб қолишди. Давлат хизматчиси отиш-мада ҳужум қилган ўғрини ўлдирди. Суд на-

ёдгорликларига бой эканлигини тан олгилари келмайди. Акс ҳолда чет эллик сайёҳлар биз-нинг кўриқхоналаримиз, сайроғҳ манзилларимиз, Бухоро, Самарқанд, Хевада бўлганларида ҳай-ратдан ёқа ушламас эдилар...

Сувсиз деб юритиладиган республикамызда балиқларнинг сероблигидан ҳайрон бўлган вол-галик бир киши ёдимга тушади.

Бизда сув ҳам, балиқ ҳам бисёр. Ўз ўғри-ов-чиларимиз (браконьерлар) ҳам бор. Куйида шу-лар ҳақида сўз боради.

зоратчини оқлади.

— Дарёда тез-тез ўқ узилиб туради, — дей-ишди ҳавза назорати ходимлари. — Енгил ўл-жа, мўмай пул, текин даромадга ўчлар оз дей-сизми!

ДАРОМАД ОЗ ЭМАС

Дарё неъматлари билан савдо қилиш расман Чиноз бозорида рухсат этилган. Бу ер турли-туман, катта-кичик балиқларга тўла. Уларнинг ҳар килограммининг мол гўшти баҳосида сотиша-ди.

— Фуқароларга қармоқда балиқ ушлашга рухсат берилган, — дейди Ёқубов, — лекин беш килограммдан ошмаслиги керак. Агар ун-дан кўпроқ овланган бўлса, ортининг ҳар килограмми учун овчи бир сўмдан тўлайди. «Ўзбалиқ» концернига қарашли давлат балиқ-чилари ҳар йили 70 тонна балиқ овлашлари мумкин.

Назоратчилар ИИБ ходимлари билан яқин ҳамкорликда тартиб бузилишлари бўлмаслиги-ни кузатадилар. Бу ҳозир, балиқлар уруғ сочаёт-ганда айниқса мўҳим. Ўғри-овчилар дарёнинг бутун ўзани бўйлаб бебошлиқ қилишмоқда. Уч ой мобайнида 70 дан ортиқ қонунбузарлик аниқланди. Оқибатда жарима ва давлатга етказилган зарар ўрнини қоплаш учун ўттиз минг сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. Фақат март ойи билан 15 май оралиғида 51 нафар қонунбу-зар қўлга олинди, уларга солинган жарима 10.225 сўмни, етказилган зарар ўрнини қоплаш учун ундирилган маблағ 7.300 сўмни ташкил этди. Назоратчилар давлат савдо тармоқларига 9289 сўмлик 1047 килограмм балиқ ўтказдилар, яъни давлат баҳосида топширдилар. Бозорда ёки йўл четидаги чайқовчилар ҳамда ўғри-овчилар эса анча қиммат баҳода пуллашади.

ДОВУЛДАН СЎНГ

Ҳа, бу ерда довуллар ҳам бўлиб туради. Тў-сатдан кўтарилган шамол қора булутларни Чир-чиқ бўйлаб Тошкент томонга ҳайдай бошлади. Сокин дарё бир зумда кўрқинчли тус олди. Ба-лиқчи қушлар қаёққадир гойиб бўлди, моторли қайиқлар соҳилда қўним топди. Биз ҳам қир-ғоққа тушдик.

— Ҳозир ҳеч қандай ўғри-овчининг дарё би-лан юзма-юз қолишга юраги дов бермайди, — дейишди назоратчилар. — Даромад қанча ёқим-ли бўлмасин, ҳаёт қимматлироқ...

Довул бир соатча давом этди. Сўнгра рейд бригадаси моторли қайиқларда дарёнинг юқори томонига йўл олди. Улар ёлғиз эмасдилар. На-зоратчилар қарамоғидаги жойда сурбет бир йигит пайдо бўлиб қолди. Озод Юнусов Оққўр-ғон туманидаги Будённий номи жамоа хўжали-гида яшайди.

— Узининг моторли қайиғида тўр билан ба-лиқ овлаётган экан, — деб тушунтирди Рифқат. — Улжаси кўпми!

— Йўқ! Овлашни энди бошлаганим, деди. Ундан олдинги ўғри-овчилар ўлжалари билан қўлга тушган эдилар. Васъа номи мушук ба-лиқ ортилган қайиқ атрофида айланиб юрарди. У билан Чуня деган кучук уч ой мобайнида уй-

ларидан йироқда яшайдиган назоратчиларнинг турмушига бир оз оилавий руҳ бағишлайди.

— Васъа бизнинг бош назоратчимиз, — дея ҳазиллашишади бу ердагилар.

— Ҳар ҳолда Озод балиқчи қаерга яширган!

— Ой Бу қароқчилар жуда машқини олиш-ган — ҳақиқий цирк артистлари, — дея хитоб қилди Олег Владимирович. — Ҳар бирини ҳеч қандай имтиҳонсиз циркка кўзбўямачи қилиб ишга олиш мумкин. Агар бирор нарсани берки-тишган бўлса, топиб бўлсиз!

Бугунги кун довул бўлгани, об-ҳаво бузилгани учун нисбатан осойишта ўтди. Балиқ шўрва қайнамоқда. Назоратчиларнинг ўзлари ҳам ашад-дий балиқчилар бўлиб, ҳар қандай овчи каби бир оз кўпиртириб гапириш, ҳазил-мўтоба қи-лиш уларга ёт эмас. Шунинг учун дастурхон ат-рофидаги суҳбат авж олди.

НАЗОРАТЧИЛАР

ГУРУНГИ

— Ҳов анави ерда, — деб кўрсатишди йигит-лар дарёнинг ўртасини, — катта чуқурлик бор. Унда 400 килограмм келадиган лаққа яшайди. Баъзан сув юзига чиққанида, гўё сувости ке-маси сузиб юргандек туюлади. Неча йил ўтса ҳамки, ушлашнинг иложи бўлмаяпти. Чуқурлик 15 метрча келади, ёнида эса ўрама бор — қайиқни ҳам тортиб кетиши мумкин. У Чирчиқ билан Сирдарё оқимлари рўбарў келганидан ҳо-сил бўлган. Яқинда эса балиқчилар 210 кило-граммла лаққани ушлаб олишди. Бу ҳақ гап.

Бу ерда ҳар қандай балиқ учрайди. Бир кун 45 килограмм келадиган оқ Амур балиғини ту-тишган. Бундай балиқ Амур дарёсининг ўзида ҳам йўқ. Одатда эса тангабалиқ, зогорабалиқ, илонбалиқ учрайди...

— Бир кун йирик-йирик балиқлардан анча ов қилдим, — дейди кулиб Рифқат. — Бир қисми-ни оғайнимга бердим. Кечқурун бозорга бориб қарасам, балиқ сотиб ўтирибди.

— Балиқ неча сўмдан! — сўрадим ундан.

— Юз сўм, — деди у бошини кўтармай.

— Ҳа, ўз балиғини ўзимга сотмоқчимисан!

Дўсти аввалига назоратчини танимаган экан. Кейин икковлон роса кулишбди.

— Мен эса бир қарияни қирғоқда анча балиқ билан учратиб қолдим, — деб эслади Олег Вла-димирович. — Ёнига келиб ўзимни таништир-моқчи бўлдим. У эса мени кўриши билан қа-йиғига ўтириб, нариги қирғоққа сузиб кетди. Узимни кўрмаган бўлса ҳам, янги бошлиқ ко-рейц деб эшитган экан. Мен орқасидан у қир-ғоққа ўтдим. Қария ҳатто титраб кетди:

— Яна сенми! Балиқ сотилмайди...

— Хуллас, бир амаллаб куттилиб кетди. Кейин анча вақтгача кўринмай юрди.

УЛАРНИНГ ХИЗМАТИ ШУНАҚА

Чин дилдан айтишим керакки, назоратчилар-нинг ташқи кўриниши кўнглидагидай эмас. Гап формада эмас [у рисоладагидай]. Юзлари ша-молдан дағаллашган, ҳорғин, кўзлари қизил. Назоратчи доим сергак. У давлат бойлигининг посбони. Кечами, кундузми улар ҳар дақиқада навбатчи милиция ходими билан йўлга чиқишга тайёр туришади. Зеро, эгри ниятили кишилар на-зоратчиларнинг дам олишларига умид қилиша-ди. Лекин давлат назоратчилари кўнгил хоҳиши-га эрк беришмайди. Айниқса мана шу уч ой мобайнида. Чунки балиқларга уруғ сочиш учун имкон яратиш керак. Бир йилдан кейин эса улар бир неча марта кўпади.

Яқинда Сирдарёда бир ўғри-овчини жуда кўп балиқ билан қўлга олишди. Чиноз туманидаги Охунбобоев номи жамоа хўжалигида яшовчи Исмомил Ризомонов тўр билан «кўнгил очаётган» экан.

Жарима ва даъво миқдори 1960 сўмни ташкил этди. Бу энг сўнгги ҳодиса. Уч ой давомида бундай воқеалар қанча бўлмайди дейсиз! Бутун умр мобайнидачи! Муболага қилмасдан шунинг айтиш керакки, одамлар бу ерда энг азиз на-рсани — умрларини тахликага қўйиб ишлашади. Уларнинг хизматлари шундай — ўлкамиз сув ҳавзасини кўриқлаш.

С. МИЛУШЕВ.



Суратларда: [чапдан ўнгга] иккинчи даражали назоратчилар Виктор Турсин, Шавкат Юсупов, милиция кичик сержанти Пўлат Эшмонов, би-ринчи даражали назоратчи Рафиқ Ёқубов, ик-



кинчи даражали назоратчи Рифқат Мухамедзя-нов, милиция капитани Ботир Бойматов, Сир-дарё ҳавзаси назоратининг бош мутахассиси Олег Лилар рейд олдидан;



Оққўрғонлик Озод Юнусовнинг бугун омади келмади; дарёда осойишталик. Бир оз дам олиш мум-кин. Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.

Тавба денгу ёқа ушлани

АЁЛ ДЕБ БЎЛАДИМИ?

Сир эмаски, аёлларни носоглом турмуш тарзини танлашга мажбур этаётган сабаблар талайгина. Ёш болали аёлларнинг ичкиликка ружу қўйиши эса туб фожиадир.

Тамара Боярова 1961 йили Гулистон шаҳрида туғилган, 3 нафар фарзанди бор.

Севган машғулоти — улфатларини уйига тўплаб, спиртли ичимлик ичиш. Ҳеч қерда ишламайди. Шундай экан, болаларни овқатлантириш, кийинтиришдан ташқари кўнгилхушлик қилишга маблагни қаердан олади, деган савол туғилиши табиий. Аммо жавоби аниқ.

«Висол лаззати»ни ихтиёр этган этти ёт бегона эркеклар қуруқ кириб келишармиди? Ўз танини инъом этишга сахий бека эса шу аснода кадр-қимматига путур етказиб, бир неча бор ҳушёрхонага тушди.

Танбехлар, жарималар фойда бермади. Наркологик шифохонадаги муолажа ҳам бефойда бўлди. Ўрганган кўнгил ўртанавар экан.

Гулистон шаҳар ижроия қўмитаси қошидаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссия аъзолари болалар тақдирини ўйлаб, шаҳар халқ судига мурожаат этишди. Суд эса 1992 йил 17 январь кuni сўнгги чорани қўллаб, Тамарани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. У эса тақдирини ҳал этилаётган чоғдаги ноҳўя ҳаракатлари учун 5 суткага маъмурий чора тарзида ҳибсага олинди.

Иш жойи нотайин ичкиликбозларни тартибга қақриб, тўғри йўлга солиш осон эмас. Қолаверса масаланинг яна бир томони бор. Нега ана шу шахсларнинг қўни-қўшинлари, таниш-билишлари адашган тақдир эгасига лоқайд қарайдилар? Ичкиликбозлик каби хавфли иллатга фақат милиция, суд органлари орқали жарима солиш билан кескин зарба бериш қийин.

Ҳар бир виждонли киши бунга қатъий муносабатини билдириши керак. Мурасозликлар, кўриб-кўрмасликка олиш — кони зарар.

Тамара Боярованинг қисматдошларидан яна бир неча аёли билан. Бир Дилдора Қодирова, 1957 йилда туғилган, 4 фарзанднинг онаси. У ҳам илгари Гулистон шаҳар халқ судининг ҳукми билан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиб, бир йилга мажбурий даволаниш учун Самарқанд вилоятидаги наркология касалхонасига юборилган эди.

Даволаниб юрган вақтида қочиб, Гулистон шаҳрига келди ва яна севган «машғулоти»ни — ичиш давом эттирди. Ва бир неча бор ҳушёрхона меҳмони бўлди. Ҳозирги пайтда у Сирдарё вилоятидаги наркология касалхонасига жойлаштирилган.

Иккинчисининг исми Тамара Макарова, 3 нафар боласи бор. Гулистон шаҳар, Ленин кўчасидаги 102-уйда яшайди. Спиртли ичимликнинг ашаддий мухлиси. Болалар тарбияси билан умуман шуғулланмайди. У ҳам ҳозир гиёҳвандлик касалхонасида.

Ольга Корнеевани олайлик. 1965 йилда туғилган жувоннинг битта фарзанди бор. У ҳам ароқ ёки вино деса ўзини томдан ташлайди. Илгари мажбурий даволаниш учун Самарқанд вилоятидаги гиёҳвандлик касалхонасига юборилган. Аммо пайт пойлаб қочиб қолган. Яна 1991 йилда иккинчи марта Самарқандга мажбурий даволаниш учун юборилган эди. Бу сафар ҳам тўлиқ даволанмасдан 1992 йил январь ойида «қуён» бўлган. Бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги гиёҳвандлик шифохонасида ётибди.

Айтингчи, бундайларни аёл деб бўладими?

Р. ДАУТОХУНОВ,

Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими ходими, милиция ма-йори.

70 ЁШЛИ ФИРИБГАР

Терговчининг хонасида ёши бир жойга бориб қолган аёл тинмай йиғи-сиги қилади.

— Ўғлим, тариқча гуноҳим йўқ, қўйиб юбор, — дея ёлворгани-ёлворган.

Терговчи унинг ажин босган юзлари, букилиб бораётган қаддига қараб юраги увишади. Бувиси тенги кампирни тергов қилиш, бунинг устига айб қўйиш...

Аммо далиллар, гувоҳлар, жабрдийдиларнинг ҳаммаси ма-на шу кампирни фирибгар деб турганидан кейин, терговчи нима ҳам қила оларди.

Келинг, яхшиси биз ҳам унинг кирдикорлари билан танишайлик. Лидия Светикова, 1923 йилда туғилган. Муқаддам 1942 йили, 1962, 1971, 1985 йилларда турли жиноятлари учун қамалиб чиққан. Умрининг 20 йилдан ортигини панжара ортида ўтказиб, кўп балоларни кўрган.

Сўнгги марта қамалганида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги муносабати билан Авф эълон қилингану муддатидан илгари озод бўлган.

Лекин ёши олтишдан ошишга қарамай жиноий фаолиятини тўхтатмади. Қарилги ҳалал бердими, ёки ташқи қиёфасидан чўчидими, ўзидан бир мунча ёшроқ бўлган Фарида Антаевани шогирдликка олди.

Ҳадемай шогирд устозининг йўл-йўриги бўйича амалий ишга киришди.

Валентина Лимаренкога ўзини «Регистон» ширкатининг бош ҳисобчиси деб таништирган Фарида унга кооператив уй олиб беришни ваъда қилиб, 3000 сўм сўради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Фарида тагин Валининг олдида борди. Кооператив уйларнинг нархи, воситачиларнинг хизмат ҳақлари ошганлигини баҳона қилиб, яна 4410 сўм пуч талаб этди. Ишончли чиқиши учун Валига тилхат ёзиб, имзо чекиб беришни-да қойиллатди. Кейинчалик хизмат ҳақи яна 200, 800, 1030 сўмга ошиб, жами 9440 сўмга етди.

А. Остоновга ҳам кооператив уй ваъда қилган Фарида 5400 сўмни қўртдек санаб олди. У қўлига лақмаларнинг ҳаменидан оқиб тушаётган пулларни устози Лидияга берар, у эса ишбилармон шогирдини моддий раббатлантиришни канда қилмасди.

Э. Куртаметов аввал 2700 сўм, сўнгра хизмат ҳақи ошгач, 3400 сўм бериб, чапагини чалганча қолаверди.

5930 сўмга чув тушган А. Захаревич Фариданинг изини тополмай чор атрофга югурганлардан.

Шогирдининг қўл-оёғи чаққонлиги, тили бурролиги туфайли минг-минглаб оқиб келаётган пуллар Лидияни янада айёр ва «ботир» қилиб юборди. Энди у пул бериб, уй ололмай таъна ва даъво қилаётганларни дўқ-пўписалар билан қарши олишга, тазйиқ ўтказишга ўрганиди.

Лақмаларнинг сабр-тоқатига балли-е.

В. Лимаренко икки йилдан ортиқ кутди. А. Остонов икки йилча. Ҳатто бир сафар уйдан умидини узиб, пулини сўраб келганида, Лидия: «Хужжатларинг-ни олиб кел, қайд эттириб бераман», — деса, оёғини қўлига олиб ярим соат ўтмай келтирган-а!

Уй олишни хоҳловчилар алданганини билсаларда, то сабр косалари тўлмагунга қадар Лидия ва Фаридаларнинг устидан милицияга арз қилишни эп кўрмадилар.

Ўз қўллари билан берилган пулларини ололмаслигига кўзлари етгачина, Самарқанд шаҳар ИИБга йиғлаб келишди.

Бунгача орадан уч йилга яқин вақт ўтган эди. Тўғри, одамлар ўн йиллаб навбатда туриб, уй олишолмаётганлигини назарда тутганда, бу уч йил нима деган гап?!

Хуллас ушбу қаллобликлари учун бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган Л. Светикова 5 йилга қамашди.

М. ИБРОХИМОВА.

Жамики ўлигу тирик мавжудотлар қаторида тили ва ақли билан айри турувчи одамизот ҳам улкан шарга ёпишиб олиб, ғимирлагани-ғимирлаган. Тирикчилик — тирикчилик, деб чопгани-чопган. Ҳаммаси яхши яшасам, яхши кийинсам, бойлик тўпласам дейди. Бироқ, лоақал бир марта бўлсин, жаҳонни титратган шоҳ Искандарнинг тобутдан чиқиб турган қўлини эслагилари келмайди.

Яхши яшаш. Нималар қилса, яхши яшаш мумкин? Умуман, уни ким қандай тасаввур қилади? Имон бўлсин, дейди баъзилар. Айримлар ҳалол меҳнат орқасидан дейишади. Лекин мавзуга чуқурроқ кириб бораверганимиз сари яхши яшашнинг асоси шунчалик ойдинлашаверади. Ва охири пул деб аталмиш дўзахи сўзга бориб тақалади. Баъзи бировларнинг очиқ тан олганларидек, пул бўлса — чангалда шўрва. Соққа борми, ишрат қил. Ишрат эса яхши яшашнинг ўзгинаси.

Пулнинг макони бозор. Биров гул сотади, биров бир боғ пиёз. Кимдир қовун сотади, кимдир селит-

ра. Шу кўйи тирикчилик ўтаверади.

Яна битта бозор бор. Унинг сотувчилари ҳам, харидорлари ҳам, даллоллари ҳам «яхши яшаш ма-на бундоқ бўлибди» деб ўйлайдилар. Бу бозорда имон сотилади, виждон сотилади, ифбат, ному, ҳаё, ибод, бурд, садоқат... соти-

раб эгсанг, шу ҳолича вояга етадиган ниҳолдек эгилган томонга қараб ўсди қизларнинг ақли. Қалб алданди. Алданиб кирланди.

... Мойира Қурбонова ўзи яшаб турган уйига алдаб-сулдаб Янгийўл ва Қарши шаҳарларидан икки қизни олиб келди. У дегандир, бу

Бошқа кун кириб келган бошқа йигитга бошқача шарт қўйилди. Яъни, икки кун бозорда сотиладиган ноннинг хамирини тайёрлаб бериши керак. Рози бўлса, марҳамат, қизлардан бири уники. (Нон ва... Нақадар ифлослик!).

1992 йилнинг илк ойи

«Б О З О Р»

Кўзимни кўр қилинг, дўстлар,
Шарманда дунёни кўрмасин...

лади. Ўзига хос олди-сотди асосан, тунда авжига минаяди. Зўр келса, кундузлари ҳам савдо пишаверади. Бу — ишқ бозори, шаҳват бозори... Яқинда Киб-тоб туманидаги шундай наҳсхоналардан бири топилди ва унга чек қўйилди. «Қўшмачи» деб аталмиш даллоли уч йилга кесилди. Аммо бунга қадар икки нафар қизнинг бокиралик шишаси синди. Қаёққа қа-

дегандир, охири... кўндирган бўлса керакда. Хуллас, «фаолият» бошланди. Харидорлар ҳам кўп куттиришмади. Бирининг орқасидан иккинчиси келаверди. Улардан биттаси сотувчи экан. М. Қурбонова сўраган 30 килограмм ёғни отасидан қолган мулкдай бепул ташлаб кетди. Эвазига эса аввалдан келишилгандек, тонггача «жуёв» бўлди.

наҳс босган бу хонадон учун ҳақиқий ҳирс бозори бўлди. Икки навжувон дуч келган нарсалар учун тўшакка йиқитилаверди. Бети эшакнинг терисидан ҳам қалин йигитлар останада иккиланиброқ кириб, тиржайиб чиқиб кетавердилар. Даллол-қўшмачи бирдан 150 сўм, иккинчисидан 100 сўм, учинчисидан 200 сўм («жуёв»лик соатига қараб) олар, илтифот билан хиз-

матларига доимо тайёрлигини қистириб қўярди.

Бир сафар бека видеобарда ишлайдиган йигит учун осонгина шарт қўйди. Келишилган кун у қўшмачига «анавинақа» кинодан қўйиб берди, ўзи эса «анавинақа»ни амалда қўллади...

Кеч бўлсада, исловатхона ишига барҳам берилди. Юқорида айтганимиздек, «бозор» хўжайини кетадиган жойига кетди. «Харидорлар»нинг суд жараёнида бўладигани бўлди. Лекин қизлар... Улар учун энди ҳамма нарсаси «чепуха». Шарм-ҳаё борса келмас жойга кириб кетган. Суд залида безга ўхшаб қаққайиб тураверишди. Нима, бу ерда бозор касод бўлган бўлса, бошқа жой топилайми қолдимиз? Худди шундай фикрни уларнинг кўзидан ҳам, юзидан ҳам, қилиғидан ҳам шундоққина уқиб олса бўларди. Қонунларда эса бунақанги расвоий радди бало ишлар учун (аниқроғи, қизлар учун) жазо йўқ! Афсус.

С. МИРЗАЕВ,
Китоб тумани ИИБ терговчиси, милиция нап-тани.

Қандай хизмат қилаймиз?

МИЛЛИОНЛАР АСЛИ КИМНИКИ?

Журналистлар — халқнинг ишончли вакиллари. Бу гапнинг эгаси номатдум. Лекин топиб айтган. Овознигор ёки ойнаи жаҳон орқали тараладиган, матбуот саҳифаларида ёришиб бориладиган маънан катта-кичик хабарларни халқ ҳар ҳолда айнаи ҳақиқат деб қабул қилади. Шунинг учун бўлса керак, юрт ишига карвонбошилиқ қилаётганлар — корхона, ташкилотлар, муассасалар раҳбарияти ўзларидаги мавжуд ютуқ ва камчиликларни энг аввало журналистларга билдирадilar.

Оммавий ахборот воситалари бир гуруҳ вакиллари билан галдаги учрашуви жумҳурият ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товар-моддий бойликларни назорат қилувчи давлат инспекцияси бош бошқармаси раҳбарлари билан бўлди. Ушбу матбуот анжумани шу йилнинг 22 май куни Ўзбекистон ва Қозоғистон чегарасида жойлашган Ёштакўприк текшириш нуқтаси (пости)да ўтказилди.

Анжуманда жумҳурият ички ишлар вазирининг ўринбосари, давлат инспекцияси (назорияти) бош бошқармаси бошлиғи милиция генерал-майори Урайимжон Абдуғаниев ҳамда шу хизматнинг Қорақалпоғистон Жумҳурияти ва барча вилоятлардаги раҳбарлари иштирок этдилар.

У. Абдуғаниев йирилганлар эътиборига ДНнинг ташкил топган кунидан бошлаб то шу давргача амалга оширган ишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Ўтган олти ой йигирма кун бадалида, — деди у, — жумҳуриятимиз ҳудудидан ташқарига 444 миллион сўмлик товар-моддий бойликларнинг олиб чиқиб кетиладиганлиги аниқланди. Шундан саноат моллари 171 миллион, қурилиш жиҳозлари 29 миллион, озиқ-овқат маҳсулотлари 42 миллион, мева-сабзавотлар 102 миллион сўмликни ташкил этади.

Қиёсий изоҳ: ўтган йилнинг ўн ойи давомида (ДН тузилгунга қадар) бутун милиция идоралари ва тегишли ташкилотлар томонидан 70 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинган бўлса, ДНнинг бор-йўғи минг кишидан иборат ходимлари эса олти ой ичида салкам ярим миллион сўмлик мол-мулкнинг йўлига тўсиқ қўйдилар.

Ғалати одамлармиз. Кимдир миллатим, элатим деб жонини жабборга берса, кимдир миллатининг, элатининг насибасини қияркан. Шуниси ажаби, иккинчи тоифадагилар миллати, элати номидан гапириб, биринчи тоифадагиларни абгор қилишга уринадилар ва аксар ҳолларда бунга эришадилар ҳам.

— Халқ орасида, — деб давом этади У. Абдуғаниев, — ДНда хизмат қилаётганлар пора олиб, ноқонуний йўл билан мол олиб кетаётганларни ўтказиб юбормоқдалар, деган гаплар юрибди. Бўлиши мумкин. Мен буни инкор қилмайман. Лекин гап исботи билан бўлиши керак. Шу кунгача фуқаролардан ҳали бирорта ҳам ариза ёки шикоят тушгани йўқ! Саббаб? Нима учун пора берганлар ёки пора бериш олиш жараёнига гувоҳ бўлганлар ўша заҳотиёқ биз



— раҳбариятга хабар беришмаяпти? Биз бундай порахўрнинг илдиизига ўт қўяр эдик. Йўқ! Чунки пул бераётганларнинг ўзлари тоза эмаслар. Имомни комилки, шундай инсонларни тинглаётганлар: «Тўхта, нима учун сен — ўзинг уларга пора бердинг, сен олиб чиқиб кетаётган молларда менинг ҳам ҳақим бор эди-ку?». — деб сўрамайдилар. Уларнинг тасавурида «фалончилар» порахўр бўлиб қолаверади. Ягона илтимосим, ходимларимиз шаънига доғ тушираётган нопокларни аниқлашда халқ бизга ёрдам қўлини чўзса.

Вазир ўринбосари маҳсулот айирбошлаш (бартер) ниқоби остида жумҳуриятдан кўплаб миқдорда товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетиладиганлиги ҳақида куюниб гапирди. Унинг таъкидлашича, айирбошлаш шартномасини фақат бизнинг юртдошларимиз бажаришпти. Масалан, 212 та ташкилот туздан 484 та товар айирбошлаш ҳақидаги шартнома атрофлича ўрганиб чиқилган. Натижада Ўзбекистондан четга 169 миллион 442 минг сўмлик маҳсулот ва хомашё жўнатилган бўлса, МДХга кирувчи мамлакатлардан атиги 87 миллион 530 минг сўмлик товар олинган. Ачинарлиси, бундан фақат Ўзбекистон ва унинг халқи жабр кўрди. Айирбошлаш тепасида турганлар эса миллиондан мил-

лиард ясаб, туя кўрмагандек юришибди.

— Мана, оддий бир мисол, — дейди У. Абдуғаниев. — Алгоритм заводи қошида тузилган бир ташкилот бор. Шу ташкилот четдан товар айирбошлаш асосида ҳар донаси 27 минг сўм турадиган юздан ортиқ телевизор ва видеомагнитофон олиб келган. Аммо сотмаган. Орадан икки-уч ойни ўтказиб, бошқа ташкилотга (устига ўн минг сўм қўйиб) сотган. Яна озгина вақт ўтиб, бир неча баробар зиёд нархда яна четга — Қозоғистонга чиқариб юборган. Ваҳоланки, ушбу моллар Ўзбекистон халқи номидан, унинг учун олиб келинган эди-ку!

Журналистлар тўхтатиб қолинаётган молларнинг кейинги тақдири ҳақида сўрашди. Жавоб қуйидагича бўлди: қайтариб қолинган моллар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тузилган махсус комиссияга топширилади. Комиссия тегишли нарх қўйиб, лозим топилган жойда сотиш учун кўрсатма беради. Маҳсулотлар кўпинча камдаромадли оилаларга, болалар, қариялар уйларига тарқатилади. Маҳаллама-маҳалла тарқатилган пайтлар ҳам бўлган.


Яна савол тушди: тўхтатилган молларнинг маълум фоизи ДН эҳтиёжи учун ажратиладими? Бир тийини ҳам берилмайди, деган қисқа, аниқ, қатъий

жавоб бўлди. Навбатдаги ДНга ёрдам ҳақидаги сўровга ҳам деярли ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаяпти, деб жавоб берилди.

Бош бошқармадаги энг йирик муаммолардан бири бу моддий-техника базасининг ночорлигидир. 245-қарорнинг кўплаб бандлари айрим вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар томонидан тўла бажарилмаяпти. Транспорт, алоқа воситалари етишмайди. Назорият тарихига кирган 98 та текшириш нуқталарининг анчагинасида оддий асбоб-анжомлар ҳам етишмайди. Жумҳурият чегараларини қўриқлаш учун ниҳоятда оз куч ажратилган. Олиб чиқиб кетиладиган юкларнинг тахминан 60-70 фоизи ушлаб қолин-япти, холос.

Хуллас, фаолияти эндигина кенг ёйиладиган бу хизматнинг ўзига яраша ташвишлари етарли. Аммо бажарётган ишлари, баландпарвоз бўлса ҳам айтаман, таҳсинга сазовор. Урайимжон Абдуғаниевнинг биз — журналистлардан ягона илтимоси уларнинг хизматлари ҳақидаги бор ҳақиқатни халққа очиқ-ойдин етказиш бўлди. Ушбу анжуманда улар журналистлар орқали ушлаб қолинаётган миллионларнинг ҳақиқий эгаси — халққа илк бора ҳисоб бердилар.

Эркин САТТОРОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.

САНОҚСИЗ
ДАЛИЛЛАРНИНГ
БЕШТАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 2-хунар-техника билим юртига тегишли «КамАЗ-5320» белгили, 55-67 КПМ рақамли автомашинага ортилган 3 тонна 800 килограмм пахта ёғининг қонунга хилоф равишда қўшни Туркменистонга олиб кетиладиганлиги аниқланди.

Наманган шаҳридаги қўналгадан 672-рейс билан Москвага учатган тайёра йўловчиларнинг юки кўздан кечирилди. Фуқаро З. Багдадзиевнинг сафархалтасидан 96 дона япон рўмоллари чиқди. А. Амир-чупанов ҳам шунча рўмолни юклари орасига жойлаб юборибди.

Бухоро вилояти ҳудудида ҳали чанги артилмаган олтига «КамАЗ», «МАЗ», «КрАЗ» ва «ПАЗ» белгили автомашиналардан иборат замонавий карвон йўлига тўсиқ қўйилди. Бу машиналар Зарафшондаги «Монтажник» ширкатига қарашли бўлиб, раиси Г. Борисов, бош ҳисобчиси В. Банцевичлар уларни Ульяновска олиб кетишга уриниб кўрганлар.

Ховосдаги темир йўл бекатида Арманистон Республикасига жўнатиладиган контейнердан 16 минг 400 сўмлик саноат моллари, 303 минг 700 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари топилди. Шуниси қизиқки, унинг эгаси чиқмади. Юк мусодара қилинди.

Урганч шохбекатида ўтказилган текширишда 870 килограмм сарийғ топилди. Поезд жўнаб кетгандан сўнг ҳам унинг эгасидан дарак бўлмади.

Тошкент шаҳридаги «Уч қаҳрамон» текшириш нуқтасида Тошкент-Бишкек йўналиши бўйлаб қатнайди-ган автобус юкхонасидан 2 тонна пахта ёғи чиқди. Жавобгарликдан қўчиган эгаси миқ этмасликни афзал кўрди.

Тошкент-Волгоград йўналишида қатнайди-ган поездининг юк бўласига 500 килограмм қанд яшириб қўйилган экан. Унинг ҳам эгасини аниқлаб бўлмади.

СОТМОҚЧИ ЭДИ

Эркалар ва аёллар оёқ кийимларидан 10 жуфтдан олган О. Азизхонов ўз шахсий машинасида Чимкентга жўнади. Бироқ Ёштакўприк қишлоғига етганда 26-пост ходимлари томонидан тўхтатилди.

Қозоғистонда сотиб, фойда кўрмоқчи бўлган О. Азизхонов 200 сўм жарима тўлади ва пойафзалларни давлатга топширишга мажбур бўлди.

М. ҲАКИМОВ.

Илгор тажриба ҳамманинги мулки

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан чегарасидан ўтаётган кишиларда икки хил ҳис-туйғу уйғонса ажаб эмас. Кўпчилик озодликнинг мунаввар шабодасидан кўсини кўтарган республика бойликлари ишончли қўриқланаётганидан бошлари кўка етса, айримлар жарақ-жарақ ҳаром пул топишнинг синалган усулига мустаҳкам тўсиқ қўйилгани учун очиқдан-очиқ ғижинишади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузурида товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси тузилган вақтдан буён ўтган 7 ой давомида салкам ярим миллиард сўмлик мол чегарада тўхтатиб қолинди.

Бу хайрли ишларга қўл уришда республика давлат чегараларида фаолият кўрсатаётган постлар хизмати беқиёс. Улардан бири Қозғистон Республикаси ҳудудида туташ Ғишткўприк қўрғонидagi 26-постдир.

Мазкур текширув нуқтасини Ўзбекистон Республикасининг қатнов ўта жадал транспорт дарвозасидаги пост-бонга ўхшатиш мумкин. Зеро, бу ердан бир кеча-кундуз давомида ўртача 11-14 минг, соатига 500-600 та турли белгили транспорт воситалари ўтади. Уларнинг 30-35 фоизи эса юк ортиб бораётган автомобиллардир. Бундан ташқари ҳар кун Қозғистон, Қирғизистон республикаларининг Бишкек, Жамбул, Қизил Ўрда, Чимкент, Туркистон шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларига Тошкентдан қатнайдиغان 40-45 та йўловчи автобус ўтиб туради.

Биргина шу рақамлардан кўриниб турибдики, пост ходимлари елкасига ниҳоятда салмоқли жисмоний, асабий ва маънавий юк тушади. Давлат автомобиль инспекцияси бўлакларида узоқ йиллик тажрибага эга милиция майори Юрченко бошлиқ пост ходимлари вужудга келаётган муаммоларни матонат билан енгиб келмоқдалар. Улар транспорт воситаларини, юкларни самарали ҳамда хавфсиз кўздан кечирилишини таъминлайдиган бир қанча ижобий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Давлат автомобиль назориятидан қабул қилиб олинган пост янгидан тўла жиҳозланди. Жумладан, ҳаракатнинг фаол ва суст хавфсизлиги воситалари ишга туширилди, йўлнинг 25 метр узунлигидаги қисми 7 метрга кенгайтирилиб, тўсиқлар ўрнатилди. Транспорт воситаларини ва уларнинг юкларини текширишни енгиллатиш, одатдаги қатновга ҳалақит бермаслик мақсадида махсус четга тортиш йўлаги ташкил этилди. Маълумки, баъзи ҳайдовчилар эгри юкларидан ажралмаслик учун катта тезликда келиб, постдагиларни доғда қолдиришга интилади. «Қочоқлар»нинг шаштини қайтариш мақсадида мажбурий тўхтатиш мосламалари билан таъминланган йўлак ҳам бунёдга келтирилди. Ҳар иккала йўлак бир-биридан 1-гурӯҳга қирадиган ва умумий узунлиги 130 погон метрдан иборат 39 дона тўсиқ (бордюр) билан ажратилган. Постга кираверишда эса асфальтдан дўнглик ҳосил қилиниб, транспорт воситалари тезлиги пасайтирилди.

Навбатчилик туну кун давом этиши эътиборга олиниб, пост саҳни 4 та прожектор ёрдамида ёритилди. Тунда ҳайдовчилар учун кўришни яхшилаш мақсадида тўсиқлар давлат стандартига мувофиқ қизил ва қора рангларга бўялди.

Постда ва унинг яқин-атрофида йўл ҳаракатини оқилонла ташкил этиш, транспорт воситалари тиқилинч бўлмаслиги, қатнов оқимини бир меъёрга тушириш учун зарур йўл белгилари ўрнатилди, трасса сатҳига узунасига ва кўндалангига йўл чизиқлари туширилди.

Ички ишлар идоралари фаолиятида алоқанинг нақадар муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишнинг ҳожаги бўлмас керак. Бугун 26-постга ташриф буюрган ҳар бир милиция ходими бу ерда жадал ҳаракат қилиш, зарур маълумотни узатиш ва олиш учун етарли шароит мавжудлигига гувоҳ бўлади. Чунки давлат инспекцияси ходимлари телетайпдан ҳамда Тошкент шаҳри, Тошкент тумани тармоғига уланган 2 та телефондан фойдаланишмоқда. Қозғистон Республикаси милицияси билан рақибалоқа йўлга қўйилган.

ШУНДАЙ ПОСТ БОР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси Бош

бошқармасининг Тошкент вилояти бўлинмасига қарашли Тошкент туманидаги «Ғишткўприк» пости иш тажрибасидан.

Виждон ва бурч тақозоси билан қонун чизган чизиқдан заррача чиқишни истамаган ходимларга баъзан кескин чоралардан фойдаланиш зарурати туғилиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки юртининг таланишига йўл қўймаётган йиғиларга тишини қайраб юрганлар ҳам топилади. Уларнинг шум ниятларини пучга чиқариш учун пост ходимлари якка ҳимоя ва мудофаа воситалари билан таъминланишган. Жумладан, хизматни ўтаётган инспектор фавқуллоҳда ҳолат туғилган тақдирда жиба (бронежилет), дубулға (каска), қалқон, чарм таёқ, кўзни ёшлантирувчи газ, электромефондан фойдаланиши мумкин.

Албатта, ноқонуний юк олиб кетилишини назорат қилиш давомида бир қанча маълумотлар йиғилади. Уларни таҳлил этиш аҳамияти катта. Шу мақсадда постда «Роботрон» компютери ишлатилмоқда. Бу қанчалик асқотаётганлигини бир мисол билан исботламоқчимиз. Яқинда компютерда сақланаётган ахборот ёрдамида қалбаки руҳсатнома билан четга йирик миқдорда товар-моддий бойлик олиб чиқиб кетишга уринган қаллоблар сири фош этилди. «Роботрон» постдаги инспекторлар ишга ҳолисанилло баҳо қўйиш имкониятини ҳам бермоқда.

Яхши дам — хизматга ҳамдам, дейдилар. Зарур шарт-шароит яратилса, суткалаб оёқда турган ходимнинг ўта толиқиб қолиши олди олинади. Бу борада ҳам ўрناк олса арзийдиган тадбирларга дуч келинади. Масалан, бинонинг қўйи қава-тида ошхона ишлаб турибди, иккинчи қаватида эса шахсий таркиб дам олиши, жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулоти ўтиши учун хоналар мавжуд.

Постнинг орқа тарафидаги чорроққина ҳудуд сўлим оромгоҳни эслатади. Турлитуман мева ва манзарали дарахтлар, сой бўйидаги азамат тол-тераклар, асабий толиқини қочирадиган хона ходимлар чарчоғини ёзишга хизмат қилади.

Ходимлар ўз кучлари билан ихчам спорт майдончаси ташкил этилиб, уни тренажер, штанга, теннис столи,

кураш гиламчаси билан жиҳозлашган.

Баъзан шундай бўладики, юкнинг қонунга асосланганлигини текшириш учун кунлаб вақт кетади. Шунинг учун бу ерда тўхтатиб қўйилган транспорт воситалари ҳайдовчилари дам олиши учун ҳам алоҳида хона ажратилган. Шунингдек, фуқаролар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартиблари ҳақидаги зарур ахборот-маълумотлар билан пост даҳлизида танишишлари мумкин.

Пост ташкил этилгандан буён ойлар давомида қилинган машаққатли меҳнат, тинимсиз изланиш, хизмат бурчига ижодий ёндашиш ўз самарасини бермасдан қўймапти. 1992 йил бошидан бери бу ердаги ходимлар 8 миллион сўмликдан зиёд товар-моддий бойликларни, шу жумладан 300 минг сўмликдан кўпроқ мева-сабзавот, 400 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва 3 миллион 200 минг сўмликдан кўпроқ саноат моллари ноқонуний олиб чиқиб кетилаётганини аниқлашди. 65 киши «Ўзбекистон Республикасидан ташқарига товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги қонунга кўра маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга 16,3 минг сўм миқдорда жарима солинди. Қонунга ҳилоф равишда четга аталган 4 миллион сўмлик мол давлат фойдасига хатланди.

Постнинг ҳар бир инспектори аниқлаган олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликлар қиймати ўртача 870 минг сўмни ташкил этмоқда.

26-пост иш тажрибасини ўрганиш ва уни қўллаш давлат инспекцияси ихтиёридаги қолган 95 та пост фаолияти самарасини оширишда, охир-оқибат кўзланган серсавоб мақсад — юрт бойликларини талон-торож қилишдан асраб қолиш вазифасини кўнгилдагидай бажаришда асқотиши шак-шубҳасиз.

Ғ. БОЛТАБОВ,
А. ЭРНАЗАРОВ,
милиция майорлари.



(26-постнинг иш тажрибаси 1992 йил 22 май кунини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси бош бошқармаси Кенгаши томонидан маъқулланди ва ундан барча постлар фаолиятида фойдаланиш тавсия этилди).



СУРАТЛАРДА: пост фаолиятини назорат қилувчи. Суратларни Ҳ. ШОДИЕВ ва М. ТАТАРНИКОВ олган.

Д. Д. Д.

ДАРД... ДАЪВО... ДАВО...

Онда-сонда бўлсада, ушбу ном остида одамларнинг бизга йўллаган дардлари, ҳасратлари, даъволарию улар юзасидан бизлар тегишли идоралардан олган жавобларни ўз ҳолича ёритиб боришга қарор қилдик. Ният озгина бўлсада одамларнинг юракдаги захрини олиш, жабрдийдалар қалбидаги ҳасратларни енгиллаштириш. Чунки биз жойларга текширишга юб-раётган шикоят хатлар ҳамма вақт ҳам кераклича ўрганилавермайди,

аризачилар қалбидаги дардлар енгиллашавермайди.

Хат, жавоблар қуруқ ва расмийдай туюлиши мумкин (жиддий таҳрир ва ўзгартаришларсиз берилаётгани сабабли ҳам), лекин муҳтарам ўқувчиларни уларнинг замирига, илдиизига, моҳиятига эътибор беришларини истардик. Хурматли ҳуқуқшуносларда эълон этиладиган жавобларга эътироз туғилса, марҳамат, Д.Д.Д. сарҳифаси ихтиёрингизда.

МЕН НЕ ДЕЙМАН?..

ТАСДИҚЛАНМАДИ

ШУНИ маълум қиламизки, Ҳамза тумани ички ишлар бўлимига фуқаро А. Мирзабековдан хат келди. Унда шу туманда жойлашган дон маҳсулотлари комбинатида ўғриликлар содир бўлаётганлиги ҳақида хабар берилган. Лекин аризада бирорта ҳам ўғирлик, уларни содир қилаётган шахслар ҳақида аниқ факт йўқлиги сабабли ариза муаллифи билан суҳбатлаш зарурати туғилиб қолди.

Аризада ёзилишига кўра, фуқаро А. Мирзабеков Тошкент тиббиёт олий билимгоҳининг толиби экан. Муаллифнинг бошқа маълумотлари кўрсатилмаганлиги сабабли, билимгоҳга ташриф буюриб, ариза муаллифининг шахсини аниқлашга ҳаракат қилдик. Толиблар рўйхатида Анвар Мирзабеков йўқлиги аниқланди.

Собиқ Иттифоқ Олий Кенгашининг 1988 йил 2 февралда чиқарилган фармонида кўра имзосиз хатлар ва аризалар текширилмайди.

Шунга қарамасдан иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари тунда, эрта тонгда олиб борган тадбирлари жараёнида Мирзабековнинг аризасида баён қилинган фактлар тасдиқланмади.

Б. А. ОРИФЖОНОВ,
Ҳамза тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги.

Оиламиз бошига 1991 йилда оғир мусибат тушди. Яккаю ягона ўғлим номаълум қотиллар томонидан шафқатсизларча ўлдирилди. Икромжон 1973 йилнинг 3 декабрь кунини туғилган. Жомбой шаҳридаги 27-хунар-техника билим юртида 2-курсда таълим олаётган эди. 1 декабрь кунини дўсти Аслиддин иккаласига мастери ҳолатида қаздирган. Ишлаб бўлганларидан сўнг иккаласига ҳам спиртли ичимлик ичирган. Кечкурун уйга қайтишларида эса Аслиддин пастдан кетган (ўзининг айтишича), Икром эса кўприкка чиққан. Шунда уни тепада кимлардир уриб, қора қонга белаб, темирйўл ёқасига ташлаб юборишган. Қотиллар номаълум. Аслиддин дўсти бундан хабарим йўқ деяпти.

Шу иш бўйича Ўзбекистон ЖМнинг 81-моддаси билан жиноий иш қўзғатилган. Жиноятни очиб учун эса бирор

бир иш қилинмапти. Жомбой тумани прокуратураси ишчи Бухоро транспорт прокуратурасига жўнатди. Улар эса: «Бизда бундай жиноий иш бўлмаган», — деб ортга қайтарган. Жомбой тумани прокурори Ш. Ҳасанов эса яна жиноий иш Самарқанд прокуратурасига юборилгани ҳақида хабар қилди.

Шунча вақтдан буён югуравериб чарчадик. Кимлар бизга аниқ жавоб беради? Ўғлимнинг қотилини топиб берсинлар! Камбағалмиз, икки ўғлимни ҳам улғайтириб туяроққа қўйдик. Бағримиз қон бўлиб кетди. Илоҳи бўлса, газетангизга ёзсангизлар. Ўша билим юрти раҳбарияти практика жойларидаги мастерлари ўзгаларнинг фарзандларига ичкилик итказишни тўхтатсинлар.

Ўғлим ичмасди, чекмасди, кечаси юришга қўрқарди. Менга ёрдам беринглари!

Раҳмонқул ПРИМОВ.

ЖАВОБ

Сизнинг хатингизга биноан фуқаро Р. Примовнинг ўғли Икром Примовнинг ўлими ва бу жиноий ишчи ҳуқуқ идоралари кераклигича текширишмаётгани хусусидаги аризаси қайтарилмоқда.

Бухоро транспорт прокуратурасидан келган хатда айтилишича А. Примовнинг ўлими воқеаси Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳуқуқ идораларига қарашли ҳудудда содир этилган. Бу ҳолат бўйича Жомбой тумани ИИБ томонидан ЎзЖ. ЖМнинг 88-модда «В» банди бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилган, уни тўхтатиш ҳақида қарор чиққандан сўнг, асоссиз равиш-

да Бухоро транспорт прокуратурасига терговни давом эттириш учун юборилган.

Бухоро транспорт прокуратураси эса ушбу жиноий ишчи асоссиз жўнатилгани учун ҳам Самарқанд транспорт прокуратураси орқали Жомбой тумани прокуратурасига жўнатган.

Аризачига ушбу жиноий иш бўйича ўзини қизиқтирган барча саволлар билан Жомбой тумани прокуратурасига мурожаат қилиши тўхтатирилган.

В. К. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон транспорт прокурори ўринбосари, 3-тоифадаги давлат адлия маслаҳатчиси.

АДВОКАТ КАСАЛ БЎЛДИ

Рўзномамизнинг шу йил 30 январь сониди Самарқанд туманида яшовчи Жумагул Абдурахмоновнинг шикояти чоп этилган эди. Унда турмуш ўртоғининг қотили бир йилдан ортиқ вақтдан буён очикда юргани, икки марта суд мажлиси бўлиб, ҳукм чиқарилмагани ёзилган. Қуйида ўша мақола юзасидан келган жавобдан бир парчасини эълон қилмоқдамиз.

...12.03.92 йил кунини жиноят ишчи СЭМ бюросидан қабул қилиниб, ишчи икки марта 31.03.92 йил, 1.04.92 йил кунини тайин қилинганда суд мажлисида

судланувчи унинг адвокати Ямашева А. касал бўлиб қолганлиги сабабли ишчи кўрилиши яна сайёр суд мажлисида 15.04.92 йилга қолдирилди.

Самарқанд тумани халқ судьяси Муҳамедов М. бу иш юзасидан кейинги сан-соларликка йўл қўймаслиги учун огоҳлантирилган.

Ушбу жиноят ишчи ўз вақтида кўрилишини адлия бошқармаси назорат остига олган.

Н. Х. ХОЛИҚОВ,
Адлия бошқармаси бошлиғи.

ҚИДИРИЛМОҚДА

лувчи Наталья Фёдоровна Свиридова қидирилмоқда.

Шу йил 22 май кунини уни отаси Қибрай тумани ҳудудига олиб келган ва шу ерда спиртли ичимлик истеъмол қилган. Кайфи ошиб қолган, қизини йўқотиб қўйган. Отанинг гапига қараганда, улар автобусга ўтиришган, бошқа ҳеч нарсани эслай олмайди.

Қизчанинг белгилари: бўйи 90-100 см., қомати ўртача, малларанг сочлари калта, кўзлари катта ва мовий-ранг, лаблари юпка, бурни пучқудан келган.

Уст-боши: ўша кунини Наталья сариқ рангли кўйлак, жигарранг колготка, оқ труси, 13-размерли кўкимтир оқ туфли кийганди.

Асосий белгилари: пешонасининг чап қисмида 0,5Х0,5 см., ҳажмли чандиқ бор, юқори ва пастки жағининг ҳар икки томонида 6-7 донадан тишлари кўртлаган.

Ўзи ҳақида ҳеч қанақа маълумот бера олмайди.

Наталья Свиридова ҳақида бирор янгиликка эга бўлган фуқаролардан энг яқин милиция идораларига хабар қилишларини сўраймиз.

КОРХОНА КИМГА ҚАРАШЛИ?

1970 йилдан буён ҳуқуқ идораларида ишлаб келаман. Участка вакилиман. Унвоним майор. Лекин шу пайтгача туманимиз прокурори ўртоқ Ҳасанов Шухрат Ризаевичдек ички ишлар бўлими ходимларига ўз таъинини ўтказганини учратганим йўқ.

Мен хизмат қилиб турган Жомбой тумани пахта тозалаш корхонасида иккита чайқовчилик ҳолатини аниқлаган эдим. Биринчи Э. Шодмоновни корхонадан 26 сўм 43 тийинга олган пахта қовачоғини 373 сўм 57 тийин соф фойдага сотаётганда ушлаган, иккинчисида шу корхонанинг қурилиш қисмида ишловчи Моҳира Ўтамова ўз номига 25 сўм 76 тийинга сотиб олган 3090 кг қовачоғини 950 сўмга сотаётганда қўлга тушди. Ҳаммаси далилий ашёлар билан тасдиқланган. Гувоҳлар бор.

Иш тумани ИИБ терговчиси, милиция капитани Ўттам Ғаниевга қонун юзасидан чора кўриши учун берилди. Аммо у ва бошқа терговчилар кўп ҳурматли давлат қораловчиси Шухрат Ҳасановнинг аралашуви ва таъини остида тўпланган материаллар Ўзбекистон жиноят мажмуасининг бирор бир моддасига тўғри келмайди, деб ётқи-зилди. Бу нима деган гап?

Балки бу киши «мен кўргазма, топшириқ бермаган-

ман», — дейишлари мумкин. Чунки ёзма ҳаракат қилмаган. Милиция бўлимига келиб мажлисга қатнашгани, албатта ўз таъинини ўтказишга ҳаракат қилиб, ходимларни асабига ўйнаб: «қонунчиликни билмайсанлар, маълумот савияларинг паст, мен сенларга ўқиш ўтказаман», — дейди.

Ўзбекистон Жумҳурияти Президентининг имзоси билан чиққан 1991 йилнинг 31 октябридаги «Савдодаги сунистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси қани?

Юқоридагиларнинг ҳаракатларида йирик миқдордаги чайқовчилик мавжуд, чунки текин даромад миқдори 200 сўмдан ошиб тушаяпти. Ҳақиқат қани? Нима, бундай шахсларнинг йўлини тўсиб бўлмайми? Агар прокурор забардаст бўлиб турса милиция ходимларининг нима кераги бор?

Мен бу сатрларни меҳнатимга ачинган ҳолда ёзиб сизлардан маслаҳат сўраб, мурожаат қилмоқдаман.

Илтимос, пахта тозалаш корхонаси давлатга қарашлими ёки шахсга, шунини аниқлашга ёрдам берсаларингиз. Менинг ҳаракатларим тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ҳам маълум қилсаларингиз.

А. С. САФАРОВ.

ЖАВОБ

Вилоят прокуратураси Жомбой тумани ички ишлар бўлими ходими А. Сафаровнинг шу тумани прокурори Ш. Ҳасановга нисбатан Сизнинг рўзномангизга ёзган шикоят хати бўйича текшириш ўтказиб қўйидагиларни маълум қилади.

Аниқланишича, шикоятда эслатиб ўтилганидек Жомбой пахта тозалаш заводи-дан, шу завод ишчилари — фуқаролар Шодмонов Ғиёсиддин ва Ўтамова Моҳира-ралар дам олиш кунини ишлаганликлари туфайли, дирекция томонидан рағбатлантириш мақсадида 1991 йил 2 декабрь кунини ҳар бирига 1 тележкадан берилган пахта қовачоғини 25 сўмдан сотиб олиб, шу кунини бошқа шахсларга қимматига сотганларида участка инспектори А. Сафаров томонидан мазкур ҳолат аниқланиб ҳужжат расмийлаштирилган.

Ушбу ҳолатлар бўйича Жомбой тумани ИИБ терговчилари А. Эшназаров ва У. Ғаниев томонидан терговолди текшириши ўтказилиб 1991 йил 13, 15 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 5-моддасини 2-бандига кўра жиноят ишчи қўзғатиш рад этилган, яъни қовачоқлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 175-

моддасида кўрсатиб ўтилганидек, бирор-бир савдо ёки чакана савдо идорасидан эмас, балки пахта тозалаш заводида — ўзлари ишлайдиган ташкилотдан сотиб олинганлиги сабабли ушбу қарор қабул қилинган.

Аризада баён қилинган вазорат бўйича сўралган Жомбой тумани ИИБ терговчилари А. Эшназаров ва У. Ғаниевлар ўз тушинтиришларида, тумани прокурори Ш. Ҳасанов уларга нисбатан ўзининг қонунсиз таъсирини ёки таъинини ўтказмаданлигини, чунончи улар текширган Г. Шодмонов ва М. Ўтамоваларга нисбатан бўлган материаллар бўйича тумани прокурори билан умуман маслаҳатлашмаганликлари, аксинча, вилоят ИИБ тергов бўлимида маслаҳатлашиб материаллар бўйича қонуний қарор қабул қилганликларини билдирдилар.

Вилоят прокуратурасида ушбу раддия материаллари ўрганиб чиқилди ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар асосли бўлганлиги сабабли ўзгартаришсиз қолдирилди.

Б. БЕКМИРЗАЕВ,
вилоят прокурори ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб томонидан 1990 йилда Қиличев Музрабшоҳ Хоразмий Рўзметович номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек (аввалги Куйбишев) туманидаги 208-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Алексей Игоревич Поярков номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Қибрай тумани ИИБ томонидан 1989 йилда туғилган, Юнусобод (Киров) туманидаги Фирдавсий кўчасида жойлашган 151-уйда истиқомат қи-